O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
17 апрель
ШАНБА

№ 30
(12.250)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2010 йил 16 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йил биринчи чорагидаги якунлари кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан республика ҳукуматининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.**

Мажлисда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари, макроиқтисодий мувозанатлиликни, иқтисодиётни юксалтиришнинг барқарор суръатларини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларининг, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури тадбирларининг тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий таъсирининг олдини олиш, балки макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари ҳам таъминланмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,6 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,1 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,2 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 20,1 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Экспорт салоҳиятини ошириш ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини янги ташқи бозорларга чиқариш юзасидан амалга оширилаётган тизимли ишлар экспорт ҳажмларининг 22,1 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмаси бўйича салмоқли ижобий сальдога эришишни таъминлади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,6 баравар кўп ўзлаштирилди. Техник жиҳатдан модернизациялаш бўйича 29 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди, 118 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш жараёнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайишини таъминлайдиган стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича ишларнинг самарадорлигини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. 2010 йилда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир 418 та лойиҳа бўйича объектларнинг фойдаланишга топширилиши мўлжалланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улар билан ички истеъмол бозорини тўлдириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш масалалари ҳар томонлама таҳлил қилинди. Қайд этиб ўтилдики, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларига берилган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари, тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал соҳасига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг ўсиши туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, шу жумладан, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9 фоизга кўпайди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Президент Дмитрий Медведевнинг таклифига биноан 19-20 апрель кунлари расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлади.

Ташриф асносида Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар муҳокама этилади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

**2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ**

## БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

**Пойтахтимизда "Янги авлод форуми" болалар ижодиёти марказининг реконструкция қилинган биноси фойдаланишга топширилди.**

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, ўқитувчилар, иқтидорли ўқувчи-ёшлар таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ўғил-қизларни юксак маънавиятли этиб тарбиялаш, бадиий дидини юксалтириш, миллий ва жаҳон санъатининг нодир намуналаридан баҳраманд этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу марказга олти ёшдан ўн олти ёшгача бўлган минг нафардан ортиқ ўғил-қиз жалб этилган.

Янада кўркам қиёфа касб этган марказ биносида болалар тасвирий санъат, миллий ҳунармандлик, рақс, созандалик, хонандалик, ахборот-коммуникация технологиялари, шахмат, хорижий тиллар, ўқув фанларининг турли йўналишлари бўйича тўгараклар машғулотларида ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш ва бойитиш имконига эга. Айни пайтда марказнинг ижодий-интеллектуал ривожланиш клублари, театр-студиялари ҳам болалар ихтиёрида.

Тадбирда болалар бадиий ижодиёти кўргазмаси ва ёш ижрочиларнинг концерти намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.**




## ҲУНАРДАН РИЗҚ УНАР

**Қибрай туманидаги "Сувноқ – ибрат – нур" хусусий корхонаси маҳсулотларига нафақат юртимизда, балки чет элда ҳам қизиқиш катта.**

Ёғоч ўймакорлиги ва заргарлик буюмлари бежиримлиги, нодирлиги билан эътиборни жалб этади. Айниқса, ёғоч ўймакорлиги усулида яратилган лавҳ ва стуллар кўпчиликка манзур бўлаяпти.

Эндиликда корхона миллий мусиқа асбобларини тайёрлашга ҳам киришди. Ярим фабрикат ҳолда тайёрланаётган маҳсулотлар харидоргир бўлиб бораяпти.

**СУРАТДА:** корхонада тайёрланган буюмлар «Ташаббус – 2010» танлови кўргазмасида юқори баҳоланди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## Вилоят ҳаёти

**ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ**

### СОҒЛОМ АВЛОД – СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

**Туман ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамкорлигида "Соғлом авлод – соғлом келажак" мавзусида семинар ўтказилди.**

Машғулотда аҳолининг репродуктив саломатлиги, муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш, аниқланаётган хасталикларни самарали даволаш ҳақида сўз борди.

**ТОШКЕНТ ТУМАНИ**

### МУРАББИЙЛАР ДАВРАСИДА

**Туман халқ таълими бўлимида мактаблардаги ўқув жараёнларини янада такомиллаштириш, фанлардан дарс ўтишнинг замонавий услубларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.**

Сўзга чиққанлар ўқувчиларнинг мустақил ижодий изланишларига кенгроқ имконият яратиш, шунингдек, илм даргоҳларида устоз-шогирд анъанасини ташкил этиш хусусида қимматли фикр ҳамда фойдали таклиф ва истаклар билдиришди.

**Тошкентда оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати якунланди. Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF) кўмагида Осиё оғир атлетика федерацияси (AWF), Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада қитъамизнинг йигирмадан ортиқ мамлакатидан икки юз нафардан зиёд спортчи иштирок этди.**

## ЎЗБЕК ПОЛВОНЛАРИ ЭНДИ СИНГАПУРДА БЕЛЛАШАДИ

"Ўзбекистон" спорт мажмуида ўтказилган 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги Осиё чемпионати қатнашчилари шу йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда илк маротаба бўладиган ёшлар ўртасидаги I Олимпиада ўйинлари йўлланмаларини қўлга киритиш учун куч синашди. Қоидага биноан йўлланмалар спортчиларнинг умумий натижасига кўра, юқори ўринларни эгаллаган терма жамоаларга берилди.

Мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси аъзоларидан энг яхши натижани Муҳаммад Юсупов қайд этди. Вазни 94 килограммгача бўлган оғир атлетикачилар беллашувида қатнашган умидли спортчимиз штангани даст кўтариш, силтаб кўтариш ва икки курашда учта олтин медални қўлга киритди. Зиёвуддин Қутбиддинов битта кумуш ва иккита бронза, Мадиёр Иброҳимов битта бронза медалга сазовор бўлди. Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси олимпия лицензиясига эга бўлди. Қолган тўртта йўлланма Ироқ, Саудия Арабистони, Туркманистон, Корея Халқ Демократик Республикаси ўсмирлар терма жамоаларига топширилди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда эса истеъдодли спортчимиз Марина Сисоева штангани даст кўтариш, силтаб кўтариш, икки кураш беллашувларида жами учта бронза медални қўлга киритиб, Ўзбекистон қизлар терма жамоасининг Сингапур Олимпиадасига йўлланма олишини таъминлади. Шунингдек, Индонезия, Филиппин, Малайзия қизлар терма жамоалари ҳам мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, ёшлар Олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Осиё чемпионатининг иккинчи қисми – йигирма ёшгача бўлган оғир атлетикачилар мусобақасида иштирок этган полвонларнинг совринли ўринлар учун кураши ҳам муросасиз беллашувларга бой бўлди. Мусобақага пухта тайёргарлик кўрган спортчиларимиздан Шерзод Рўзметов биттадан олтин, кумуш ва бронза медални қўлга киритди. Жаҳонгир Зиннатов битта кумуш, иккита бронза медалга сазовор бўлди.

Йигитлар ўртасидаги беллашувлар натижасига кўра, умумжамоа ҳисобида Ироқ ёшлар терма жамоаси биринчи, ҳамюртларимиз иккинчи, хитойлик полвонлар учинчи ўринни эгаллади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.**

## СТОМАТОЛОГИЯ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Тошкентда мамлакатимиз стоматологларининг анжумани бошланди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси, Республика стоматологлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Германия, Туркия, Жанубий Корея, Россия, Озарбойжон, Қозоғистон сингари мамлакатлардан келган мутахассислар ҳам иштирок этмоқда.**

Бугун жойлардаги икки мингдан кўпроқ стоматология клиникалари, бўлимлар ва кабинетларда халқимизга малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Бу шифо масканлари замонавий диагностика жиҳозлари билан таъминланган. Аҳолига тиббий-профилактика ёрдами кўрсатиш борасида қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда ўтказилаётган тиббий кўриклар юқори самара бермоқда.

Олим ва мутахассислар стоматология соҳасидаги халқаро тажрибани чуқур ўзлаштириш билан бирга аниқ ташҳис қўйиш ва даволашнинг самарали усулларини амалга татбиқ этмоқдалар. Бу жараёнда жаҳондаги нуфузли илм-фан марказлари ва клиникалар билан йўлга қўйилган алоқалар самара бераётир. Жанубий Кореядаги ортодонтия илмий-тадқиқот институти шулардан бири.

Икки кун давом этган анжуманда мамлакатимизда стоматологиянинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, тиш, милк, жағ касалликларини даволашдаги янгича ёндашувлар, профилактика тадбирлари кўламини кенгайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, илм-фан янгиликлари ва замонавий технологиялардан самарали фойдаланишга оид масалаларга бағишланган маърузалар тингланди.

**Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.**

## СОВРИНДОРЛАР ҚАТОРИДА БЎЛАМИЗ

**дейишмоқда «Универсиада – 2010» мусобақаларига ҳозирлик кўраётган вилоят педагогика институти талабалари**

Олий ўқув юртлари талабаларининг анъанавий "Универсиада – 2010" спорт мусобақалари шу йил Андижон вилоятида бўлиб ўтади. Айни пайтда жойларда ушбу нуфузли мусобақага қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишлари, улар орасидан юртимиз шарафини муносиб ҳимоялашга қодир спортчилар етишиб чиқиши учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида уч босқичли спорт мусобақалари ўтказиб келинаётгани, вилоят шаҳар ва туманларида замон талабларига мос муҳташам спорт иншоотлари бунёд этилаётгани фикримиз далилидир. Бу ёшларнинг спортга бўлган қизиқиш ва иштиёқини янада оширмоқда.

Универсиада мусобақалари юртимизнинг турли ҳудудларидан мамлакат, қитъа ва жаҳон чемпионлари етишиб чиқишида маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. Улар орасида кўплаб вилоятимиз ёшлари ҳам бор.

– 2007 йилда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Универсиада» мусобақаларида стол тенниси бўйича муваффақиятли иштирок этиб, 2-ўринни қўлга киритган эдим, – дейди ангренлик Алия Исмоилова. – Бу менинг кейинги муваффақиятларимда пухта пойдевор бўлди.

– Институтимиз талабалари 12 та спорт тури бўйича медаллар учун кураш олиб боради, – дейди Ангрендаги вилоят педагогика институти қошида очилган "Талаба" спорт-соғломлаштириш клуби раиси Нурали Нишонов. – Асосан, енгил атлетика, шахмат, волейбол, стол тенниси, гандбол, сузиш каби спорт турларидан совринли ўринларни эгаллаш умидидамиз. Сузиш бўйича Владимир Осапин, Михаил Карепанов, Данил Коваль, Бобур Бекмуҳамедов, стол теннисидан Алия Исмоилова, енгил атлетикадан Равшан Тўрақулов, Алишер Турсунов, волейболдан Гулнора Исмоилова, Лиля Бехтеревалардан умидимиз катта.

Айни пайтда институт тасарруфида 2 та спорт зали бўлиб, бири кураш учун, иккинчиси эса волейбол ва баскетбол учун мослашган. "Кимёгар" ўйингоҳида енгил атлетика, Ангрен маиший хизмат касб-ҳунар коллежи спорт залида гандбол бўйича тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.

Институт раҳбарияти ташаббуси билан югуриш йўлакчасига эга ўйингоҳ, мини-футбол майдони ва спорт шаҳарчаси қурилди. 6,5 миллион сўмлик спорт жиҳозлари сотиб олинди. «Универсиада» спорт мусобақалари саралаш босқичида 100 дан ортиқ талаба иштирок этиб, улардан 69 нафари Андижон шаҳрида ўтказиладиган финал босқичига йўлланма олди. Айни пайтда тайёргарлик жараёни махсус режа асосида давом этмоқда.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Мажлисда муҳокама қилиш давомида "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси раҳбарлари фаолиятига танқидий баҳо берилиб, улар зиммасига республика енгил саноатини янада ривожлантириш, шу жумладан, сифатли, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, экспорт ассортиментини кенгайтириш, янги истиқболли бозорларни излаш, тармоққа тўғридан-тўғри инвестицияларни ва замонавий технологияларни жалб этиш бўйича вазифалар қўйилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда шу билан боғлиқ бўлган аҳоли даромадларини кўпайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш муаммоларини ҳал этиш энг муҳим ва асосий вазифалар жумласидандир. Шу муносабат билан мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши муфассал таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йил бошидан буён республикада 215,4 мингта янги иш ўрни ташкил этилди, шундан 150,1 мингтадан кўпроғи ёки қарийб 70 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Касаначиликни ва халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида қўшимча равишда 53,1 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлади.

Муҳокама давомида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги мавжуд захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Касаначиликни, энг аввало, саноат корхоналари билан кооперациялашув асосида ривожлантириш, жорий йилнинг биринчи чорагида 135,4 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни кучайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда мамлакатимизда соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тадбирларининг амалга оширилиши муҳокамасига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Давлат дастури тадбирларини амалга оширишга 1,4 триллион сўм ва 25,4 миллион АҚШ доллари йўналтирилди.

Оналарнинг репродуктив саломатлигини ва болаларни ҳимоя қилишни янада яхшилаш, устувор равишда профилактикавий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, соғлом авлодни шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Таълим муассасалари ва болалар спорти объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётни такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, шу жумладан, 1551 та мактабни компьютер техникаси билан, шунингдек, қишлоқ жойлардаги 316 та мактабни ўқув-лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ёшлар учун 106,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Ёш оилаларнинг тураржой шароитини яхшилаш мақсадида уларга 23,8 млрд.сўм миқдоридаги имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбарларининг эътибори қатъий маънавий-ахлоқий эътиқодга ва уйғун дунёқарашга эга бўлган, четдан бўладиган ғоявий ва маънавий таҳдидларга, турли иллатларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашга доир ишларни янада кучайтириш муҳимлигига қаратилди.

Шу билан бир қаторда, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига Давлат дастурида назарда тутилган ҳар бир тадбирнинг амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан аниқ вазифалар юкланди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва республикадаги йирик корхоналар ҳамда вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳукумати мажлиси кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, уларда 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

**ЎзА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



# БАЙРАМГА СОВҒАЛАР ЯРАШАДИ

**Юртимизда ҳамон Наврўз нафаси кезаётган айни кунларда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Хусусан, ана шундай байрам кечаларидан бири Ўртачирчиқ тумани, Янги турмуш қишлоғидаги махсус мактаб-интернатида бўлиб ўтди.**

Тадбир "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилди. Муассаса тарбияланувчиларининг байрам учун тайёрлаган куй-қўшиқлари даврага ўзгача файз бағишлади.

Ташкилотчи ва ҳомийлар томонидан болакайларга эсдалик совғалари топширилди.

**Анора КАРИМОВА.**

**СУРАТДА:** байрам тадбиридан лавҳа.

**Абдуқодир ЭГАМҚУЛОВ олган сурат.**

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Кореянинг дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти – J.C.I. ташкилоти билан ҳамкорликда "Оғриқсиз юрак" соғломлаштириш лойиҳасини амалга оширди.**



# «ОҒРИҚСИЗ ЮРАК» ЛОЙИҲАСИ

Лойиҳа доирасида туғма юрак нуқсонига эга бемор болалар Сеул шаҳридаги кардиология марказига жарроҳлик амалиёти учун жўнатилади. Ўтган йили вилоятимиздан 35 бола кореялик мутахассислар кўригидан ўтказилиб, 4 нафари жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун Кореяга жўнатилган эди. Бу йил 9 номзод текширилиб, 2 нафари зудлик билан операция қилиш учун танлаб олинди. Ҳамкорлик битимига кўра, бемор болаларнинг Кореяда даволаниши учун барча харажатларни J.C.I. ташкилоти қоплайди.

**Абдулла ФАЙЗИЕВ.**

ОГОҲЛИК

# МАЪНАВИЙ ТАҲДИД

**Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида маънавий таҳдидларга қарши курашнинг илмий-услубий ҳамда маънавий-мафкуравий асосларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Мудофаа вазирлиги, Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, талабалар ва курсантлар, ҳарбий қисм командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори ҳамда "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, глобаллашув даврида халқимиз, айниқса ёшларни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, фарзандларимиз қалбига Ватанга муҳаббат туйғуларини чуқур сингдириш жараёнида муҳим дастуриламал бўлаётгани таъкидланди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган мазкур илмий-услубий конференцияда Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари М. Ҳожиматов, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М. Қуронов, Халқаро Имом Бухорий маркази директори У. Уватов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари А. Мансуров ва бошқаларнинг баркамол авлод тарбиясига доир, шунингдек, миссионерлик ва диний ақидапарастлик, халқаро терроризм сингари таҳдидларни бартараф этишда ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақидаги маърузалари тингланди.

**Холмурод САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**

НИГОҲ

# ҚУРУҚ ДАЪВАТ БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ



**"Ҳар бир оила Роғун ГЭСининг камида 3 минг сомонийлик акциясини сотиб олиши лозим!"**

**Тожикистон давлати раҳбарининг бу оташин даъвати аҳолининг ватанпарварлик ҳис-туйғусини жўш урдириш мақсадида эълон қилинган эди. Аммо у таги тешик идишдаги тариқдек сочилиб кетди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Имомали Раҳмоннинг оч халқни ватанпарварликка ундаши ҳеч қандай натижа бермайдиган беҳуда уринишдан бошқа нарса эмасди. Ахир унинг ўзи йигирма йилдан буён уялмай-нетмай, бор-будини шилиб келаётган халқ шунча пулни қаердан олсин?!**

Маъмурият мамлакатнинг алданган фуқароларига бундан оташин даъват ҳеч қандай асоссиз, беҳуда уриниш эканлигини сезиб, билиб турсада, машъум электр станциясининг биринчи навбатини қуриш учун зарур бўладиган 600 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ундириш учун мумкин бўлган-бўлмаган ҳамма чораларни кўриш ҳақида барча маҳкамаларга "енг ичи"да фармойиш бераяпти. "Хомталаш" қилиш биринчи бўлиб талабалардан бошланди. 6 январда чиқарилган янги акцияларнинг ҳали бўёғи қотмай туриб, сессия олдида турган олий ўқув юртлари талабаларига маълум қилиндики, агар улар Роғун ГЭСи акцияларини сотиб олмасалар имтиҳон ва синовларга қўйилмас эканлар. Санъат институти каби айрим олий ўқув юртларида шундай қилинди ҳам. Техника университети фойесида эса энергетика факультетининг эълони пайдо бўлди. Унда акция сотиб олган талабаларга имтиҳон ва синовларда қўшимча қулайликлар яратилиши маълум қилинган.

Шундай қилиб, фақат пулдор талабаларгагина "севимли мамлакат"лари тараққиётига ҳисса қўшиш таклиф этилаяпти. Бу бор-йўғи 35 сомонийдан иборат стипендиясини ҳам ололмай юрган, қўл учида бўлсада, тирикчилик ўтказиш ва ўқишга қатнаш илинжида дарсдан сўнг оз-моз пул ишлаб топишга ҳаракат қилаётган талабаларга қаратилмаган. Негаки, энг арзон битта акциянинг қиймати 100 сомоний ёки 23 доллар. Демак, юқоридаги таклиф олий ўқув юртларининг порага сотилишни касб қилиб олган раҳбарларига, енг ичида узатиладиган пул эвазига аудиторияларда, лекция ва амалий машғулотларда ойлаб кўринмайдиган талабаларга тааллуқли. Шундай экан, "қўшимча шароитлар" яратилган имтиҳонларга дарсларни яхши ўзлаштирувчи умидли талабалар бир четда қолиб, ҳозирданоқ малака, билим ёки тажрибани эмас, балки пулни биринчи ўринга қўядиганлар киритилади. Энди айтингчи, бундай "уддабурон"лар "севимли мамлакат"лари тараққиётига қандай ҳисса қўша оладилар?

Хўш, қолганлар нима қилишсин? Фақат битта чораси бор. Бу – ота-оналарига кўз тикиш. Аммо бечора ота-оналарнинг ўзи рўзғорни бир амаллаб, учма-уч тебратиб туришибди.

Негадир кейинги пайтда таълим вазири Абдужаббор Раҳмонов ҳам жимиб қолди. У талабаларни акция сотиб олишга зўрлаб мажбур қилишадиган бўлса, зудлик билан жавоб қайтаришни ваъда қилганди. Бироқ биз унинг санъат институти талабалари президент Имомали Раҳмонга йўллашган очиқ хатга жавобини ҳали кўрганимиз йўқ.

Уюштирилган матбуот анжуманида вазир акцияларни сотиб олиш ихтиёрий эканлигини таъкидлаш билан бирга ватанпарварликка даъват этишни ҳам унутмади ва таълим тизими муассасалари ҳозиргача Роғун ГЭСининг 20 миллион сомоний ёки 4,57 миллион долларлик акцияларини сотиб олганлигини маълум қилди. Ҳатто, бу акциялар учун 30 минг сомоний (6,86 минг доллар) сарфлаган ректорлар ҳам бор экан.

Аммо оддийгина арифметик ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу моддий зарбанинг асосий оғирлиги фақат ойлик маоши ҳисобигагина яшамаётган ва шу боис ўзининг даромадли ўрнини сақлаб қолишни истаётган ректорлар, "жонажон Ватан" истиқболи учун у қадар жон куйдирмайдиган тожик олигархлари ва коррупционерларининг ишёқмас, лекин бойвачча ўғил-қизлари эмас, балки оддий аҳоли зиммасига тушади.

Мамлакатда тўлов имконияти дуруст бўлган қанча ректор бор? Боринг-ки, 30 киши бўлсин. Улардан Роғун ГЭСи ғазнасига 210-250 минг доллар маблағ тушган. Бойвачча талабалар ҳам кўп. Лекин улар анча кам, тахминан 1-1,5 минг долларлик акция сотиб олишяпти. Ректорларнинг ҳиссаси – 250 минг долларга Тожикистоннинг "олтин" ёшларидан тушган 500 минг долларни қўшамиз. Қолгани оддий фуқаролар зиммасига тўғри келади. Фақат олий таълим тизимида эмас, ҳамма соҳада ҳисоб-китоб шундай. Асосий оғирлик оддий халқ елкасида. Улар эса ҳар бир сомонийни кўплаб пешона тери эвазига топадилар ва бир қисмини "қора кун"ларига асраб қўядилар. Бу сафар "қора кун" уларга хиёнат қилган маъмуриятга содиқликни намойиш этиш зарурати билан бақамти келди. Буларнинг ҳаммаси битта қонуний саволни келтириб чиқаради: "Аҳолининг бор-буди Роғун ГЭСининг биринчи навбати қурилиши учун шилиб олинаётган экан, акция эгалари қачон дивиденд ола бошлайдилар, бу дивидендлар қанча ва улар, умуман, бўладими-йўқми ўзи?"

**Имомиддин РОФИЕВ.**
(Центр Азия).

# ИШТИРОКЧИЛАР БИР ОИЛАДАН

**Чирчиқ шаҳридаги кимёгарлар маданият саройида Баркамол авлод йилига бағишлаб "Она-болалар" мусобақаси ўтказилди.**

Танловда "Максам-Чирчиқ" очиқ акциядорлик жамиятининг илғор ишчи ходималари ва уларнинг фарзандлари ўзаро баҳслашдилар. Иштирокчилар учта шарт – таништирув, ўлкашуносликка оид савол-жавоблар ва бадиий чиқиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Мусобақа иштирокчиларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Саид АСҚАРОВ.**



# ДЕНГИЗ ЖОНИВОРЛАРИ ТОМОШАСИ БОШЛАНДИ

**Тошкент давлат циркида "Денгиз жониворлари томошаси" аттракцион дастури бошланди. Ушбу тадбир "Ўзбек давлат цирки" Республика бирлашмаси ва Москва дельфинарияси томонидан ташкил этилди.**

Мазкур дастурни намойиш этиш учун пухта тайёргарлик кўрилди. Тошкент давлат цирки манежига баландлиги икки ярим метрлик сунъий сув ҳавзаси қурилди. 300 тонна сиғимга эга ҳавзада турли томошаларни ижро этувчи денгиз жониворлари учун барча шароит яратилди. Жумладан, денгиз жониворлари ҳавзага мослашиши учун сувнинг таркиби туз ва бошқа воситалар билан бойитилди. Сувни доимий тозалаб турувчи насос ўрнатилди.

16 майга қадар давом этадиган дастурга биноан Шимолий муз океанида яшовчи дельфинлар ва денгиз мушуклари ижросида қизиқарли томошалар, шунингдек, масхарабозларнинг чиқишлари намойиш этилади.

**Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.**

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ – АМАЛДА

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ САМАРАСИ

**Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда.**

Ўзбекистонда корхоналарни модернизация қилиш билан бир қаторда кооперация алоқаларини кенгайтириш, ички саноат бозорида барқарор шериклик муносабатларини йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишнинг амалий механизми яратилган. Кенг кўламли давлат дастури доирасида тармоқлараро ва тармоқлар ичидаги кооперация иштирокчилари бўлган мамлакатимиз корхоналари учун имтиёзлар ва преференциялар тизими шакллантирилган. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчиларнинг янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан манфаатдорлигини оширмоқда.

Ўтган йили "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясининг "Ўзнефтгазмаш" акциядорлик компаниясида саноат кооперацияси доирасида ўнлаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Компаниядан олинган маълумотларга кўра, 2009 йилда корхоналарнинг конструкторлик хизматлари томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар асосида мамлакатимиздаги турли корхоналар учун импорт ўрнини босадиган ускуналар тайёрланиб, етказиб берилди.

Хусусан, илк бор Алан кони учун 120 кг/см2 босим остида ишлайдиган ҳаво билан совутиш аппаратлари, Денгизкўл конидаги сиқувни якунловчи компрессор станциясида газни бирламчи тайёрлаш қурилмасини реконструкция қилиш учун блокли аппаратлар етказиб берилди, сепарация ва иссиқлик алмашинувини таъминловчи блокли аппаратура етказиб берилган Сурғил конида газни комплекс тайёрлаш қурилмаси ишлаб чиқарилди.

Конструкторлик муваффақияти – бу бурғилаш ишлари учун ускуналар буюртмачиларига бурғилаш миноралари, бурғилаш қурилмалари учун асослар, турли русумдаги редукторли тебратгич дастгоҳлар, қудуқларни капитал таъмирлаш учун такомиллаштирилган ўзиюрар қурилмаларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва етказиб бериш демакдир.

Ўзбекистоннинг чекка туманларида яшайдиган аҳоли учун суюлтирилган газ баллонларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2009 йилда инновацион фаоллик туфайли "Ўзнефтгазмаш" акциядорлик компанияси корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажми 2003 йилга қараганда 6,7 баравардан ошди.

Компания машинасозларининг юксалиб бораётган ижодий салоҳияти рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни таъминлаш билан бирга янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

**В. РУДАКОВА, ЎзА мухбири.**

ЛУҚМА

# КЎЗБЎЯМАЧИЛИК

**Айни баҳор палласи. Ён-атроф гўзалликка бурканган. Ям-яшил далалару чаман гуллаган боғ-роғлар ўзгача чирой очган. Шунга монанд юртимизнинг ҳар бир гўшасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳамон давом этмоқда. Аммо, бу ишлар вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида кўнгилдагидекми?**



Оҳангарон туманининг Телов қишлоғи томон бораp эканмиз шу савол хаёлимизни банд этди. Гап шундаки, қишлоққа киравеpишда ғайрат кўрсатиб ишлаётган йўлсозлар ҳаракати эътиборимизни тортди. Аввалига йўллар таъмирланаётганидан хурсанд бўлдик. Хизмат сафари билан боғлиқ ишларни якунлаб, қайтаётганимизда эса, йўлсозларнинг кўзбўямачилиги бизни ҳайратга солди. Қишнинг қировли кунларида ҳосил бўлган ўйдим-чуқур жойларни асфальт билан эмас, йўл четида ўсган ўт-ўланларни илдизи билан тупроқ аралаш кўчириб олиб, тўлдиришарди.

Биз Теловда бўлганимизга 10 кундан ошди. Орада бир неча бор ёмғир ёғди. Йўлсозларнинг уддабуронликлари қанчага етди экан? Тўлдирилган тупроқ ёмғир таъсирида атрофга ёйилиб, кун исигач, асфальт йўлда чанг-тўзон кўтарилиб ётган бўлса ажаб эмас.

Хўш, бундай кўзбўямачилик кимга керак? Йўлсозларни бундай «ишлаш»га нима мажбур қилди? Ёки улар учун бир кунда фалон километр йўл таъмирланди, деган маълумот кераг-у, йўлнинг эртага яна эски ҳолига қайтиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмасми? Йўлсозлар ишини ким назорат қилади?

Биз ушбу саволларга Оҳангарон тумани ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлардан жавоб кутамиз.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** йўлсозларнинг антиқа таъмирлаш усули.

**Муаллиф олган сурат.**

ГАЗЕТХОН ФИКРИ

# ЁЗИШДАН МАҚСАД, МУТОЛААДАН МАНФААТ БЎЛСА...

**Бугун давр ёшлардан сиёсий билимдонликни, ўз фикрига, сўзига эга бўлишликни талаб этади. Биз ёшлар бу масъулиятни дилдан ҳис қилган ҳолда яратилаётган кенг имкониятларга муносиб бўлишга интилмоқдамиз. Олийгоҳимиз талабалари турли тадбирлар, давра суҳбатлари, беллашувлар жараёнида ўз иқтидорларини намоён этиб келмоқда.**

Юртбошимизнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палаталарининг қўшма йиғилишида қилган маърузаларини тинглаб, айтилаётган фикрларнинг нечоғлик асосли эканлигидан, қўйилаётган вазифаларнинг долзарблигидан жуда таъсирландим. Айниқса, халқ минбари деб тан олинган оммавий ахборот воситаларига таааллуқли фикрлари диққатимни тортди. Юртбошимиз улар фаолиятига тўхталар экан, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ва унинг яхлит тизимини шакллантиришда ОАВнинг ўрни ва мавқеини юксалтириш, юртимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, воқеа ва ҳодисаларни турфа ёндашув ҳамда фикрлар асосида акс эттириш, бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий асосларнинг такомиллашувини таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги бевосита жамиятда қарор топаётган либераллашув ва демократлашув жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, матбуот нафақат "тўртинчи ҳокимият" мақомида, балки чинакам жамоатчилик назоратчиси, ҳақиқий халқ минбари сифатида ҳам намоён бўлмоғи учун ўзида жамият ҳаётини тўла-тўкис акс эттириши тақозо этилади.

Матбуот дўконларида турфа хил газета ва журналларни топиш мумкин. Бироқ уларнинг баъзиларини мутолаа қилган бугунги ўқувчи ахборотга бўлган эҳтиёжини қондира олмайди. Негаки, ёшлар ўқиётган аксарият нодавлат нашрларда ҳақиқий ахборот жанри етишмайди. Улар қайсидир санъаткорнинг туғилган куни қандай ўтгани, яна аллақайси санъаткорнинг турмушидан ажрашганию, учинчи ё тўртинчи эри билан боғлиқ ўзаро адоватларини "ғийбат" қилишдан нарига ўтишмаяпти. Буни нима деб тушуниш мумкин? Саҳифани тўлдиришми, ёки айрим таҳририят ходимларининг савиясизлиги?

Биз матбуот саҳифаларида миллий анъаналаримиз, маънавиятимизга мос, шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини тўла очиб беролган турфа жанр ва кўринишдаги таҳлилий мақолаларни кўпроқ кўришни хоҳлаймиз.

**Фарҳод ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**вилоят давлат педагогика институти талабаси.**



# ЎЙИНГОҲ КОСМОДРОМГА АЙЛАНДИ

**Республика ўқувчилар саройида ракета-модель спорти бўйича мамлакат очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақа халқаро космонавтлар кунига бағишланди.**

Тадбир жамоаларнинг тантанали саф тортиши билан бошланиб, унда 16 та жамоа мусобақага киришди. Майдон бир неча дақиқа ичида мини-космодромга айланди. Ўқувчилар "Протон", "Ариан" русумли ракеталарни учишга тайёрладилар.

Ҳакамнинг ишораси билан ракеталар осмонга кўтарилди. Кўп сонли мухлислар зерикиб қолишмади, чунки мусобақа 7 та йўналиш бўйича давом этди. Ракеталар самода турли томонга ажралди ва ҳар бири ўз йўналиши бўйича учиб келиб, белгиланган жойга қўнди. Ҳакамлар жараёнларни синчиклаб кузатиб боришди.

– Ракета-моделчилик нафақат спорт, балки олий математика ҳамдир, – дейди вилоят терма жамоаси мураббийи Фёдор Лян. – Болалар ракетанинг моделини ўзлари ишлаб чиқиб, ўзлари ясашади, тузатишади, бўяшади ва заряд кучини белгилашади.

Турнир давомида ўқувчилар бир-бирларининг ракеталарини кўздан кечириб, фикр алмашишди. Ҳаммани қизиқтиргани 5 та парашютли ракетанинг қўниши бўлди.

Ҳакамлар балларни жамлаб, Тошкент шаҳри вакилларини чемпионат ғолиби, деб эълон қилди. Тошкент вилояти иккинчи, Қашқадарё вилояти ўсмирлари учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа сўнгида қатнашчиларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Шокир ХАЛИЛОВ.**

**СУРАТДА:** мусобақадан лавҳа.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

ТАҚДИМОТ

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Гётенинг Садриддин Салим Бухорий томонидан таржима қилинган "Ғарбу Шарқ" девони ҳамда профессор Акмал Саидовнинг "Гёте – юрист" китоби тақдимоти бўлиб ўтди.**

# ГЁТЕ ЮРИСТ БЎЛГАНМИ?

Унда адабиётшунос олимлар, жамоатчилик вакиллари, шоир ва ёзувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Йоҳан Вольфганг Гёте "Ғарбу Шарқ" девонини 1814-1815 йилларда ёзишни бошлаган ва илк бор 1819 йил 70 ёшида нашр эттирган. Бу асар ҳам шаклан, ҳам мазмунан Ғарб ва Шарқ одатий анъаналарини ўзида мужассамлаштирган, бошқача айтганда, унда икки маданият ва икки адабий минтақа ўзаро уйғунлашган.

**"Туркистон-пресс".**

ДАРВОҚЕ

# ДАБДАБАЛАРДАН КЕЙИНГИ МАШМАШАЛАР

**Фаровон ҳаётимиз, осойишта турмушимизга ўзига хос чирой, улуғворлик бахш этадиган турли тадбирлар, тўю тантаналар кўнгилда нафақат шодлик, балки шукроналик туйғуларини уйғотади. Тинч замонамизга тўйлар ярашади, хотиржам кўнглимизга куй-қўшиқлар сиғади. Аммо...**

Маслаҳатли тўй тарқамас, деган гап бежиз айтилмаган. Мана, кунлар исиб, тўйлар мавсуми ҳам бошланиб кетди. Қатор-қатор тўйхона-ю, гузарларимизда ҳар куни тўй. Бироқ кейинги пайтда тўй ва бошқа маросимларни ўтказишда ортиқча дабдабабозлик ва исрофгарчиликлар яна авж олаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Баъзилар имконияти кўтарса-кўтармаса оғизга тушиш учун "ким ўзар"га ўтказаётган тўйларни кўриб, бу нима, тўқликка шўхликми, деган андишага борасиз.

Никоҳ маросимларидаги кераксиз, ортиқча харажатлар аксарият ҳолларда ёш оиланинг мустаҳкам бўлишига эмас, аксинча, уларнинг тўйдан кейин моддий жиҳатдан қийналиб қолишларига сабаб бўлаяпти. Қудаларнинг бир-бири билан "тенглаша олмагани" ортиқча гап-сўзларга, ёшлар турмушининг дарз кетишига ва ҳатто, оиланинг бузилишига олиб келаяпти.

Сўнгги пайтда яна келин-куёв ва навкарлар учун тайинланган қатор-қатор машиналар кўчаларни тўсиб қўяётганига гувоҳ бўляпмиз. Боз устига, келин-куёв дўстлари билан никоҳ маросими бошланишидан олдин ёки тўй тугагандан кейин алоҳида "сайр"га отланишади.

Қадимда момоларимиз чиллалик келин-куёвни бегона кўзлардан, яхши-ёмон назардан асрашга ҳаракат қилишган. Чунки чиллалик келин-куёв ниҳолдек нозик бўлади.

Энди бир ўйлаб кўринг, биз ёшларнинг чилла даврини сақлай оляпмизми? Нима учун келин-куёвни кўпчиликка кўз-кўз қиляпмиз, келинни очиқ-сочиқ ҳолда видиотасмага, суратга туширяпмиз, ёшларни тун қоронғусида "сайр" қилишларига йўл беряпмиз? Бу қадриятларимизга ҳурматсизликми ёки замонасозликми?

Бугунги кунда тўйига номи чиққан қўшиқчиларни олиб келиш, тўйхоналарни дискотекаларга айлантириб, қулоқни қоматга келтириш, керак-кераксиз сарполару "тўққиз-тўққиз"ларга одатий ҳол деб қараяпмиз. Дастурхонга бир неча хил таомлару ширинликлар тортиш, меҳмонларни спиртли ичимликлар билан сийлаш, қудаларни даврага чорлаб, пул йиғиш, рақсга тушаётганлар устидан пул сочиш ортиқча дабдабабозлик, исрофгарчилик эмасми?

Ота-она фарзанди учун ҳамма нарсага тайёр. Бироқ шу маблағлар уларнинг ўқиши, ақлу тафаккурининг ўсиши учун сарфланса, ёшларнинг келажаги учун мустаҳкам пойдевор қурилган бўларди. Бундан ўзлари ҳам, ўзгалар ҳам манфаат кўришарди.

Бу фикрларга кимлардир қўшилмаслиги мумкин. "Тўй қилаётган биз бўлсак, сенга нима, орзу-ҳавасимиз йўлида бировдан бир сўм пул сўраётган жойимиз йўқку", дейдиганлар ҳам топилади. Бир қарашда улар ҳақ. Эпини қилиб бойлик орттирган экан, орзу-ҳавас кўрса айб эмасдир. Даромадга қараб буромад, дейдилар. Аммо, беш қўл баробар эмас-да. Кўз олдида дабдаба билан ўтган тўйни кўриб, қўли калталигидан ўкинаётган, улардан кам бўлмаслик учун қарз-ҳавола билан тўй қилаётганлар ҳам сизу бизга бегона эмас.

Қисқаси, тўй ҳар бир инсон учун орзу-умидлар рўёби бўлсин. У туфайли кўнгилсизликлар, дилхираликлар содир бўлмасин. Шуни унутмайликки, ҳар қандай дабдаба, исрофгарчилик, ким ўзарга қабилида манманликка берилиш, қадриятларимизга беписанд қараш келин-куёв остонасини тиллодан қилолмайди. Ҳар қандай тахт инсон учун чинакамига бахт беролмайди.

**Аллома ҲУСАН қизи.**

• ФУТБОЛ •

# «ПАХТАКОР» ГУРУҲ ПЕШҚАДАМИ

**Осиё чемпионлар лигасида қатнашаётган "Пахтакор" "С" гуруҳида пешқадамга айланди. Бешинчи турда "Пахтакор" ва "Ал-Айн" (Бирлашган Араб Амирликлари) жамоалари кейинги босқичга чиқиш имкониятини сақлаб қолиш учун ўзаро учрашувда ғалаба қозониши лозим эди.**

Тошкентда ўтган ўйин ўзбекистонлик чарм тўп усталари учун омадсиз бошланди. Иккинчи дақиқадаёқ "Ал-Айн"нинг чилилик легионери Хорхе Вальдивия жарима тўпини "Пахтакор" дарвозасига аниқ йўллаб, ҳисобни очган бўлса-да, рақибларнинг қувончи узоқ чўзилмади. Якуний ҳисоб – 3:2 кўринишида вакилларимиз ҳисобига ниҳояланди.

Тўққиз очко билан гуруҳда пешқадам бўлиб турган пахтакорчилар 27 апрель куни сўнгги турда асосий рақобатчиси – "Аш-Шабаб" меҳмони бўлади. Гуруҳдан чиқиш учун ҳамюртларимизни дуранг натижа ҳам қониқтиради.

**Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган пойтахтнинг "Бунёдкор" жамоаси бешинчи тур учрашувида меҳмонда Саудия Арабистонининг "Ал-Иттиҳод" клуби билан 1:1 ҳисобини қайд этди.**

# ҒАЛАБАГА ТАТИЙДИГАН ДУРАНГ

Тезкор ҳужум уюштирган "Ал-Иттиҳод" вакиллари биринчи бўлим ўрталарида ҳисобни очди. Япониялик ҳакам Юичи Нишимура томонидан белгиланган пенальтини Муҳаммад Нур аниқ бажарди.

Иккинчи бўлим ўрталарида Сервер Жепаров ва Денилсон уюштирган комбинацияни муваффақиятли якунлаган Анвар ҳисобни тенглаштирди – 1:1.

"Бунёдкор" кейинги босқичга йўл олиши учун 28 апрель куни Тошкентда "Ал-Ваҳда"ни енгиши, Эронда бўладиган "Зоб Ахон" ва "Ал-Иттиҳод" баҳсида эса саудияликлар очко йўқотиши лозим.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

ҲАР ЕРНИ ҚИЛМА ОРЗУ...

**Ёшларимизнинг турли алдовлар билан чет элларга чиқиб кетаётганлари, у ерларда эса азоб-уқубатда ҳаёт кечираётганлари ҳақида матбуотда, радио, телевидениеда турли чиқишлар бўлиб турган пайтда ҳам ҳамон адашганларнинг борлиги одамни ажаблантиради. Баъзан ўйлаб қоласан – нима, улар телевизор кўришмайдими, газета ўқишмайдими? Ахир газета ўқимаса ҳам, телевизор кўрмайдиган одам деярли йўқ-ку...**

# ЎЗГА ЮРТНИНГ ҲОЛВАСИ

...Ишдан кейин машинага ўтиришим билан ёмғир қуйиб юборди. Катта йўлдан кетар эканман, на шамсияси, на қалинроқ уст-боши бўлмаган бир қиз қўл кўтарди. Тўхтадим.

– Хайрият, дунёда инсофли одамлар ҳам бор экан. Бир зумда ивиб кетдим, биронта машина тўхтамайди-я, – деб қиз орқа ўриндиққа чўкди. У йўлда тушиб қолишини айтиб, бирдан менга юзланди:

– Сиз мухбирсиз-а, сизга учрашмоқчи бўлиб юрган эдим. Айтадиган дардларим бор...

Мен уни ишхонага таклиф қилиб, йўлда тушириб қолдирдим.

Эртаси куни келиб, ўзини Гулноза Қидирбоева деб таништирди ва бошидан ўтган воқеаларни йиғлаб айтиб берди:

– Оилада икки ўғил, бир қизмиз. Отам ҳар куни кечки овқат пайтида турмуш қийинчиликларидан нолиганi-нолиган, «ҳаммангнинг топган уч-тўрт сўмларинг овқатингдан ортмайди. Сенлар ҳам бошқаларга ўхшаб чет элларга бориб, пул ишлаб келсаларинг бўлмайдими?»

Икки акам отамга "чет элга бораётганларнинг аҳволини телевизорда ҳар куни кўрсатишаяпти-ку", деганларига қарамай, "ҳамма ҳам шунақа бўлавермайди-ку", деб тинчлик бермасди. Охири бўлмади, таниш дугоналаримдан йўл-йўриқ сўраб, Кореяга ишга кетдим. Тўғрисини айтай, қинғир йўллар билан уч қиз у ерга етиб бордик. Бизни жўнатган аёл шундай йўл тутган эди.

Эртаси куниёқ учаламизни ҳам уч жойга ишга жўнатишди. Биринчимиз балиқ тозалашга, иккинчимиз чарм фабрикасига, мен эса чўчқахонага ишга жойлашдик. Ҳа, ишонинг, чўчқа фермасига ишга бордим. Ишламайман, деб айтолмайман, қарзга ботганман. Биласизми, бир ярим йил мен кўрган азобни ҳеч ким кўрмаган. Инсонлик қадрим ер билан яксон бўлди, шу ифлосхонада бўғилиб, ўкчиб ишладим. Хайрият, фоҳишаликка ҳеч ким мажбур қилмади, лекин кўрган куним итникидан баттар эди. Бир кунда 15-18 соатлаб ишлайман. Кечалари ўксиб йиғлайман. Бу гапларимга кимдир ишонмас, лекин Ватанимда ойига миллион сўм бераман, десалар ҳам қилмасдим бу ишни. Чет элда ишлаётган баъзи тенгдошларим бундан ҳам баттар қора ишларда ишлайди, лекин улар ўз юртида енгилроқ ишларга ҳам тоқатлари тоқ бўлиб юришади. Хуллас, бир ярим йил деганда ҳолдан тойиб, касал бўлиб қолдим. Ўша ерда даволанай десам, топган пулимнинг ҳаммаси кетар экан. Хўжайиним яхши одам эди, ҳужжатларимни тўғрилаб уйимга жўнатиб юборди. Яширмайман, уч минг доллар билан қайтдим. Лекин келган заҳотим икки минг доллар пулни бизни Кореяга олиб борган аёлнинг қўлига тутдим. Қолганини эса отамнинг олдига қўйдим. Бир ҳафта ўтиб эса касалхонага тушдим. Зотилжам касалига йўлиққан эканман, топиб келган пулимнинг деярли ҳаммаси дори-дармонга кетди. Ўртада менинг касал орттирганим қолди. Кўпинча чет элга кетиб, қийинчиликларга учраган ёшларни айбдор қилишади. Нега ота-оналар уларни йўлдан қайтаришмайди, нега атрофда бўлаётган воқеалардан сабоқ беришмайди?

Бу қизнинг бошидан ўтган азобларни балки тўла тушунтириб беролмадим, беролмайман ҳам. Ҳақиқатан ҳам ёшларимиз ўзга юртларга ишга бориб, нафақат қадр-қиммати, балки, соғлиқларини ҳам йўқотиб келаётганини кўриш, эшитиш оғир.

Ҳозирги ёшларда бир тушунча бор: мана ўқишни битириб, дипломни олдим, ишлай десам иш йўқ. Бундай ношудларни кўриб, "Э-й, болам, давлат сени ўқитди, касб ўргатди, ҳа, энди ўзинг ҳам ҳаракат қилиб, керак бўлса иш жойи оч", дегинг келади.

Битта мисол айтай. Маҳалламиздан икки йигит ўзимиздаги коллежни битириб, ҳисобчи дипломини олди. Шунда кимдир уларга "ҳозир нима кўп, фермер кўп, ўшаларнинг олдига бориб учрашинглар", дебди. Қарангки, ўша йигитларнинг ҳар бири бештадан фермер хўжалигининг ҳисоб-китобини юритади, ойликлари 500-600 минг. Яқинда иккови ҳам офис очиб олди, ичида компьютер, мебеллар. "Иш йўқ, деб юрганда юраверар эди", дейди маҳалла оқсоқолларидан бири Тўлаган ота.

Ҳа, "олма пиш, оғзимга туш", деган билан ҳеч кимнинг ҳаёти ўнгланиб қолмайди. Бахт ҳам, омад ҳам ўз юртингда, ўз элингда.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**



– *Мана бу эртакдаги «олтин балиқ».*

**Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.**

РАССОМ ХАНДАСИ




**Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Шоҳруҳ ҲАКИМОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-340. Адади 10207. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.10. 1 2 3 4 5